

**ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ  
ОРҚАЛИ МУСИҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-  
ПСИХОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАРИ**

Дилобар Жўрабоева

Фарғона давлат университети Мусиқа таълими ва маданият кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6655382>

**Аннотация.** Мазкур мақолада имконияти чекланган, ногиронлиги мавжуд ўқувчи ёшларни инклюзив таълим орқали мусиқий маданиятини шакллантиришининг педагогик-психологик ҳусусиятлари атрофлича ёритилган.

**Калим сўзлар:** инклюзив таълим, инклузия, мусиқий тафаккур, педагогик тамоиллар, мезонлар, натижса, услуб, имконияти чекланган ўқувчилар.

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
ФОРМИРОВАНИЯ МУЗЫКАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ ПО СРЕДСТВАМ  
ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**Аннотация.** В данной статье подробно описаны педагогические и психологические особенности формирования музыкальной культуры учащихся с ограниченными возможностями здоровья посредством инклюзивного образования.

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, инклузия, музыкальное мышление, педагогические принципы, критерии, результат, стиль, учащиеся с ОВЗ.

**PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PECULIARITIES OF THE  
FORMATION OF MUSICAL CULTURE BY means OF INCLUSIVE EDUCATION**

**Abstract.** This article describes in detail the pedagogical and psychological features of the formation of musical culture of students with disabilities through inclusive education.

**Keywords:** inclusive education, inclusion, musical thinking, pedagogical principles, criteria, outcome, style, students with disabilities.

### КИРИШ

Ўзбекистоннинг янги тараққиёти босқичида мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида амалга оширилалайди. Бу эса ёшларнинг юксак фазилатларни шакллантиришда, шу билан бирга, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда таълимнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хаётнинг мураккаб синовларига болалигидәёқ учраётган ногирон фарзандларимизга ғамхўрлик қилишимиз лозимлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Ана шу ҳақиқатни амалга ошириш йўлида кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда ва у ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Ана шундай дастур-loyiҳалардан бири инклюзив таълим лойиҳаси бўлиб у ижтимоий ташаббусларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Швецария конфедерацияси Ўзбекистондаги элчиҳонаси ҳамкорлигига амалга оширилмоқда.

Инклюзив ёки интеграциялашган таълим тушунчаси маҳсус эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг умумтаълим мактабларида билим олишларини назарда тутади. Тадқиқотнинг асосий гояси имконияти чекланган болаларнинг нозик руҳиятига унинг ногиронлиги ўлароқ салбий таъсир ўтказилишига йўл қўймаслик, унинг бошқа болалар

билан бир қаторда таълим олиши учун барча керакли имконият ва шароитларни яратиб бериш омилларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Инклузив таълимни жорий қилиш баробарида ногирон деган тушунчанинг инкор этилиши ва ҳар бир бола тенг ҳукуқли эканини имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналари билишлари зарурдир.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Бугунги кунда мамлакатимизда имконияти чекланган болалар таълим-тарбияси ва уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Уларни жамиятга интегратсия қилиш, аввало имкон қадар саломатлигини тиклаш мақсадида “Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим лойиҳаси” асосида иш юритиб келинмоқда. Бу борада Республика изда амалга оширилаётган бир қатор ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Хусусан, 2020 йил 13-октабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4360-сон “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори республика бўйича ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг инклузив таълим-тарбия олиши учун бир қатор афзалликлар яратиб беришга хизмат қилмоқда.

Республика изда имконияти чекланган ўқувчи ёшларни ривожланиш даражаси, имконияти нуқсон хусусиятлари ва қобилияtlарига кўра маҳсус ёки умумтаълим тизимида таълим олишини амалга ошириш мақсадида инклузив таълим сиёсати амалга оширилмоқда. Инклузив таълим алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг атрофдагилар билан мулоқотда бўлиши, ижтимоий муҳит талабларига жавоб бера оладиган бўлиб улғайиши, ўз кундалик-маиший эҳтиёжини қондира олиш кўникмаларини эгаллай олиши, ҳаётга мослашиб, умумтаълим мактабларида соғлом тенгдошлари билан тенг шароитларда ўқий олиши, улар билан ўзаро дўстона муносабатга киришиши, топшириқларга масъулият билан ёндашиш учун қулайликлар туғдиради. Шуни назарда тутиб, ушбу тадқиқот ишимизда инклузив таълим асосида ўқувчилар мусиқа маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос самарадорлик белгиларини асослаш, уни таълим муассасаларидан бошлаб олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим жараённида йўлга қўйиш учун зарурий педагогик-психологик ёндашув йўлларини аниqlаш кўзда тутилган.

Шунга кўра бир қатор маҳсус институтлаштирилган марказларда олиб борилаган тадқиқотлар натижасида қуйидаги ҳолатлар аниqlанди:

- 1) Ўқувчиларнинг ижтимоий муҳитдан ажralиб қолганлиги;
- 2) Ривожланиб бораётган жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги;
- 3) Ижтимоий ҳодимларнинг бу масалага бўлган муносабатларида айrim камчиликлар борлиги шулар жумласидандир.

Демак, мамлакатда инклузив таълимни ривожлантиришга қаратилган таклифлар талаб даражасида ўрганилмаётганлиги ва унга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги мазкур тадқиқотнинг накадар долзарб эканлигидан далолат беради. Шу боис имконияти чекланган ўқувчи ёшлар ҳам соғлом болалар каби жамиятда ўз ўрни борлигини хис этишлари жамиятнинг маънавий янгиланишида маънавий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида маҳсус тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Инклузив таълим – давлатимиз томонидан ёш авлодни тарбиялашга қаратилган асосий масалаларнинг кун тартибидан ўрин олганлиги билан ва бу жараённинг ўқитувчи-педагоглар олдига қўйилган вазифалардан бири эканлиги, таълим йўналишини жойларда

амалга ошириш ўзининг янгилиги билан намоён бўлиб келмоқда. Олиб борилаётган тадқиқот бугунги кун учун янги ҳамда ўз натижаларини очиш борасида ўқитувчи-педагоглар олдида турган муаммолар ечимини исботлашга қаратилганлиги билан дикқатладидир.

Инклузив таълимни ўрганиш педагогика фанида янги, энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Муаммога доир тадқиқот ишларини ўрганиш, уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, имконияти чекланган ёшларнинг тарбиявий мухити ҳамма вақт яхши, мўтадил бўлиши, ҳамиша алоҳида эътиборда тутилиши, катталарнинг назаридан четда қолмаслиги лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда жойлардаги ХТВнинг ҳалқаро ЮНЕСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда “Инклузив” таълим орқали болага дўстона муносабат мухитини шакллантириши” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, 11та тумандаги жами 110 та мактабда 210 нафар имконияти чекланган болалар инклузив тарзда таълим олиши аниқланган. Маниторинг натижаларининг таҳлилларидан билиш мумкинки, ҳозирги кунда инклузив синфлари мавжуд мактаблар сони мамлакатимизда 117 та бўлиб, инклузив синфлардаги имконити чекланган ўқувчилар сони 378 нафарга етган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Гарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда инсон психологик хусусиятлари билан боғлиқ тажрибаларга асосланган илмий назария ва йўналишлар вужудга келди. Бу назариялар маълум даражада имконияти чекланган болаларнинг педагогик психологиясининг ривожланишига туртки бўлади. Бу борада Ж.Брунер, Ж.Пиаже, А.Валлон, С.Холл, Е.Мейерман, К.Бюлер, Е. Дюркгейм, Д.Локк ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин.

Жумладан, америкалик психолог олим С.Холл “Ҳар қандай бола ўзининг индивидуал тараққиётида филогенезни онтогенезда тақрорлайди, шу боис болаларга ибтидоий инстинктларни оғриқсиз, енгил кечиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш зарур”, - деб атайди. Ж.Брунер эса “Шахснинг таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширса, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради”, - деб уқтиради.

### **МУҲОКАМА**

Шунингдек, рус олимларидан Л.С.Виготский, И.И.Мамайчук, Л.П.Косковой, О.С.Никольская, В.С.Манова-Томова, Ю.С.Алёнина, В.С.Мухина, А.А.Бодалёв каби олимлар ўзларининг илмий ишларида имконияти чекланган болаларни педагогик-психологик коррекциялаш масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ўрта Осиё мутафаккирлари Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Ибн Сино, Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Имом Ғаззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар каби алломаларнинг асарларида оила ва жамиятда ёшлар тарбияси ва унинг камолотида педагогик-психологик ёндашув муаммоси тўғрисидаги илмий педагогик мушоҳадалари бизгача етиб келган.

Ҳозиргача мамлакатимизда таълим муассасаларида нуқсонли болаларга таълим-тарбия беришда инкюзив таълим муаммоларини Ф.Б.Шоумаров, Р.Шомаҳмудова, А.Бердиева, О.У.Аблаев, Д.С.Қахарова каби олимларнинг тадқиқот ишларида муаммолар

назарий жихатдан ўрганилган. Мазкур тадқиқот ишида эса ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан тадқиқ этилган.

Иzlaniшларимиз натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларни инклузив таълим асосида мусиқа маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий ва педагогик жихатларини тадқиқ қилинганлиги, шунингдек, соғлом ва имконияти чекланган ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантириш орқали жамият маънавий тараққиётига таъсири, хусусан Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичидаги аҳамиятини чуқур англаб етишга хизмат қилиши билан белгиланади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб куйидаги хулосаларга тўхталидик:

- инклузив таълим асосида ўқувчи ёшларнинг мусиқа маданиятини шакллантириш омиллари назарий ва амалий жихатдан аниқланди;
- ўқувчи ёшларнинг мусиқа маданиятини шакллантиришда инклузив таълимнинг роли масалалари тадқиқ этилди;
- миллий мусиқа дурдоналаридан унумли фойдаланиш соғлом ва имконияти чекланган болаларнинг маънавий баркамол бўлиб тарбия топишларида муҳим омил бўлишилиги таҳлил қилинди.

### **ХУЛОСА**

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулоса, таклиф ва тавсияларидан ёш мусиқашунос тадқиқотчилар, инклузив таълим билан шуғулланувчи ва шуғуланаётган мутасадди ташкилотлар, ижодий уюшмалар фаолиятини ривожлантиришда ҳамда инклузив таълим асосида ўқувчиларнинг мусиқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган ташаббусларни тизимли асосда амалга ошириш ишларини белгилашда амалий қўмак беради.

### *References*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4360-сон “Алоҳида таълим эҳтоёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори
2. ҚахароваД.С. Инклузив таълим технологияси. Монография –Т.: 2014. –Б. 9
3. А.Авлоний “Туркӣ Гулистон ёхуд ахлоқ” –Т.: 2000 йил
4. Ahrorova, R. U. (2021). SEMANTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS REPRESENTING “YOUTH” IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (7), 122-126.
5. Akhrorova, R. (2022, April). LEXICAL-SEMANTIC EXPRESSION OF EARLY YOUTH/JEUNESSE IN FRENCH. In *МЕЖДУНАРОДНЫЕ НАУЧНЫЕ КОНФЕРЕНЦИИ С ВЫСШИМИ УЧЕБНЫМИ ЗАВЕДЕНИЯМИ* (Vol. 2, No. 18.03, pp. 617-620).
6. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture.Journal of Pedagogical Inventions and Practices,2(2), 50-52.
7. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. InArchive of Conferences(pp. 92-94).4.Nurmamatovich, D. S. (2022). The Role of Modern Technologies in the Learning Process.Journal of Ethics and Diversity in International Communication,1(8), 6-9.

8. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. InArchive of Conferences(pp. 61-62).
9. SultonaliMannopov, A., AbdusalomSoliev, U., & TokhirShokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
10. Mannopov, S., Karimov, A., Qurbonova, B., & Dilobar, J. (2022, February). THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF MUSIC. In *Archive of Conferences* (pp. 49-52).